# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 17-MAY, JUMA, 61 (8142)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Жорий йилнинг ўзида Норин тумани бўйича 163 минг туп тут кўчатлари ўтқазилиб, кўкартириб олишга эришилди. Пилла етиштиришда илғор усул, яъни плёнка остида ипак қуртини парваришлаш ўзининг афзаллик тарафларини кўрсатмоқда...

2



Қарши шаҳар 1-сон Болалар мусиқа ва санъат мактабида таълим-тарбия ишларининг тўғри йўлга қўйилганлиги туфайли мактаб ўқувчилари нафақат вилоят, республика, балки халқаро танловларда ҳам совриндор бўлмоқда. Ҳозирда мактабнинг бир гуруҳ ўқувчилари хорижда бўлиб ўтадиган эстрада академик чолғулари халқаро танловига ҳозирлик кўришмоқда.

3



Нукус шаҳридаги ноёб осори атиқалар, бетакрор тасвирий санъат асарлари жамланган И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музей экспозицияси ва фондида 90 мингга яқин экспонатлар жамланган. Уларнинг аксариятини эса музей асосчиси Игорь Савицкий тўплаган. Ана шунда ушбу музейнинг нега бу ном билан аталгани англашилади...

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 май куни Оқсаройда Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Эдгарс Ринкевичсни қабул қилди.*

Давлатимиз раҳбари мунтазамлик касб этган кенг кўламли Ўзбекистон-Латвия давлатлараро мулоқоти нафақат икки ва кўп томонлама аҳамиятга молик амалий масалаларни кўриб чиқиш, балки долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан очиқча фикр алмашиш ва уларни баҳолаш учун ҳам имкон яратаётганини таъкидлади.

Мамлакатларимиз турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик, жумладан, “Ўзбекистон – Европа Иттифоқи” алоқалари, халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар доирасидаги муносабатлар бўйича салмоқли тажриба тўплаган.

Латвия Ўзбекистон билан савдо алоқалари ҳажми бўйича ЕИга аъзо давлатлар орасида учинчи ўринда туради. Буни ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бораётгани ҳам тасдиқлайди. 2012 йил якуни бўйича бу борадаги кўрсаткич 243,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Транспорт коммуникациялари соҳасида ҳамкорлик ҳамда томонларнинг йирик транзит салоҳиятини ишга солиши Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Эдгарс Ринкевичс самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Латвия раҳбарияти мамлакатимиз билан кўп қиррали ҳамкорликни узоқ муддатли ва прагматик асосда янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**ЎзА**



## ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС СИФАТ

ЮРТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ЧАРМ МАҲСУЛОТЛАРИ АНА ШУНДАЙ ЭЪТИРОФГА САЗОВОР БЎЛМОҚДА. БУ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО» МАЖМУАСИДА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН III ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШГАН ЧАРМ, ПОЙАБЗАЛ, КИЙИМ ВА АКСЕССУАРЛАР КЎРГАЗМАСИДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА.

**«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва «SSP—Expocontact» МЧЖ ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада маҳаллий корхоналар, шунингдек, Италия, АҚШ, Хитой, Россия каби мамлакатлардан юздан ортиқ компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда.**

Тадбир бугунги кун талабига жавоб берувчи чарм маҳсулотлари, тайёр пойабзаллар, кийим ва аксессуарлар намойишига кенг имконият яратиш, ишлаб чиқарувчи корхоналар, улгуржи савдо вакиллари ҳамда хорижлик шериклар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, хомашё ва ускуналар тайёрлашга кўмаклашишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Кўргазма асосан тайёр маҳсулотлар, бутловчи материаллар ва фурнитура йўналишларини қамраб олган. Кўргазма стендлари аёллар, эркаклар, болалар пойабзаллари, шунингдек, турли хилдаги матолар ҳамда улардан тикилган нафис либослар билан эътиборни тортмоқда. Чармдан тайёрланган буюмлар ҳам ўзининг бежиримлиги ва сифати билан ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шу ўринда “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси таркибидаги терини қайта ишлаш, пойабзал ишлаб чиқариш, чарм-атторлик ва сунъий чарм тайёрлаш билан шуғулланувчи корхоналар томонидан биргина 2012 йил давомида 168,3 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, 92,8 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари, 301,3 миллион квадрат дициметрлик чарм маҳсулотлари, 6 миллион жуфтга яқин пойабзаллар, 3,8 миллиард сўмлик чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилганини таъкидлаш жоиз. Ўтган йил давомида мазкур корхоналар томонидан 67 миллион АҚШ доллари қийматидаги чарм маҳсулотлари ва тайёр пойабзаллар экспорт қилинди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 21,4 миллион долларлик шундай маҳсулотлар хорижга жўнатилди. Ҳисобот даврида 35 та янги моделдаги пойабзаллар ва 22 турдаги чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилгани ҳам эътиборлидир. Ҳозирга қадар тармоққа қарийб 1950 минг АҚШ доллари қийматида инвестициялар жалб қилингани натижасида 12 та янги корхона ишга туширилиб, 170 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, Наврўз байрами арафасида Фарғона вилоятида йилига 400 минг жуфт болалар пойабзали ишлаб чиқарувчи “Гранд Кибо” корхонаси, Наманган вилоятида эса йилига 300 минг жуфт болалар пойабзали ишлаб чиқарувчи “Ёшлик пойабзали” корхонаси ишга туширилди.



**(Давоми 2-саҳифада)**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

### ҚАРОРИ

## 2013/2014 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

**Умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-ҳунар коллежларида ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни, республика минтақалари иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликлар бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида аниқ касблар бўйича касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига амалдаги эҳтиёжни танқидий таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб республика ҳудудларида 26 та касб-ҳунар коллежини қайта ихтисослаштиришга доир таклифлари қабул қилинсин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда иқтисодиёт тармоқларининг ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли мутахассисларга бўлган реал эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган 2013/2014 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини республиканинг касб-ҳунар коллежларига ва академик лицейларига қабул қилишнинг умумий параметрлари тасдиқлансин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (А.И.Икромов), республиканинг касб-ҳунар коллежларига ва академик лицейларига қабул қилишнинг белгиланган умумий параметрларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари асосида икки ҳафта муддатда 2013/2014 ўқув йилида вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича ҳар бир академик лицей ва касб-ҳунар коллежига умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини қабул қилиш параметрларини тасдиқласин.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## ТИББИЁТ ТАКОМИЛЛАШИБ, ТИББИЙ МАДАНИЯТ ЮКСАЛМОҚДА

**Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида туб ўзгаришлар рўй берди. Зеро, 1998 йилда Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсад ҳам мамлакатимизда тиббий хизматнинг ўзига хос миллий моделини шакллантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, аҳолига жаҳон талаблари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш эди.**

Ҳақиқатан ҳам бугун юртимизда сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган даволаш муассасаларининг мукаммал тизими яратилди. Қолаверса, ўтган йиллар мобайнида “Соғлом она — соғлом бола” ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилиши натижасида скрининг ва перинатал каби янги тиббий марказлар тиббиётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллади. Шунингдек, айни пайтда юртимизда республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология ҳамда Педиатрия илмий-амалий марказлари ва уларнинг жойлардаги филиаллари ҳамда ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт муассасалари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида ҳам соғлом авлодни тарбиялаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш хусусида атрофлича сўз юритилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тиббиёт ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда соҳа ривожи, шу кунгача эришилган ютуқлар, келгусида белгиланган устувор вазифалар муҳокама этилди.

Бугун юртимиз Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича глобал жараённинг фаол иштирокчиси сифатида 2000 йилда БМТнинг Мингйиллик саммитида мамлакатлар олдига қўйилган вазифаларни изчил амалга ошириш борасида етакчилар қаторида. Энг қувончлиси, мамлакатимиз 2015 йилгача мўлжалланган мазкур тарихий декларация мажбуриятларини аксарият қисмини ҳозирнинг ўзидаёқ адо этганлиги тарихий аҳамиятга эгадир.



– Оналик ва болаликни муҳофазалаш борасида кўрсатилаётган кенг қамровли ишлар туфайли республикамизда оналар ва болалар ўлими 3 баравар камайди, — дейди Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази директори ўринбосари Рўзиқул Фозилбеков. — Бундай кўрсаткич билан Ўзбекистон нафақат МДҲ, балки дунёдаги етакчи мамлакатлар сафидан жой олди. Агар маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 63 фоиздан ошди. Дунёнинг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 70-72 фоизни ташкил этишини инобатга олсак, мамлакатимиз бу масала бўйича қанчалар юксак ўсиш суратларига эришганини кўришимиз мумкин. Бу тиббиётда олиб борилаётган туб ислоҳотлар ва юртимизда соҳага қаратилаётган эътибор самарасидир.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда жаҳон тажрибасига асосланган Миллий эмлаш кунлари календари қабул қилинди. Бу жараён ҳар йили болаларни деярли 99 фоиз асосий юқумли касалликларга қарши эмлашни ўз ичига олади. Шунингдек, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон жаҳоннинг 125 та давлати орасида етакчи мамлакатлардан биридир. Бугунги кунда ушбу кўрсаткич Марказий Осиёда энг яхши, МДҲ ва Осиёда эса юқори саналади.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича юртимизда эришилган ютуқлар пойтахтимизда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари ва 50 га яқин давлатлар томонидан юксак баҳоланди.

Тадбирда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган қатор ижобий ютуқлар қаторида бугунги кунда эрта никоҳ ҳамда эрта ҳомиладорликнинг олдини олиш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини янада такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар кўлами йил сайин кенгайиб бораверади. Зотан, бу инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг манфаати, турмушининг ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида хизмат қилади.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Сурхондарё Вилояти

## ЯНГИ ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ ИШГА ТУШАДИ

**Жарқўрғон туманида жорий йил янги цемент заводи қурилиб ишга туширилади. Лойиҳа қиймати 43,7 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган мазкур завод йилига 420 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.**



“Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, ҳозирда мамлакат ҳудудида жойлашган цемент заводлари бир йилда 7 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, ички бозорни тўлиқ таъминлаш ва экспорт қилиш имконияти мавжуд. Хусусан, 2012 йилда мамлакатда 6,8 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилган. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотларининг 70 фоизи, экспорт қилинаётганининг эса 75 фоизи ушбу маҳсулот ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, энг йирик корхоналар “Қизилқумцемент”да 3 миллион 150 минг тонна, “Оҳангаронцемент”да 1 миллион 740 минг тонна, “Қувасойцемент”да 920 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади. Сурхондарёда барпо этиладиган корхона ушбу қувватларни янада ошириш имконини беради.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
**ҚАРОРИ**

# 2013/2014 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Бунда умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини, ўқувчилар ва улар ота-оналарининг танланган ва иқтисодиёт тармоқларида эҳтиёж мавжуд бўлган мутахассисликлар бўйича ўқишга талабини, таълим муассасаларида зарур моддий-техника базаси мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлашга алоҳида эътибор берилсин.

**4.** Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига, зарурат бўлганда, умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилиш кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ўз тасарруфида ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013/2014 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилишнинг белгиланган умумий параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминласин ҳамда шу йил 10 августгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига қабул қилиш натижалари бўйича якуний ахборот тақдим этсин.

**6.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари раҳбарлари зиммасига умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини келгусида академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

Бунда умумтаълим мактабларининг 9-синфларини битирувчи қизларнинг касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан қамраб олинишига алоҳида эътибор қаратилсин.

9-синфлар битирувчиларини ўқитиш билан қамраб олишнинг якуний натижалари тўғрисида жорий йилнинг 15 августигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2013/2014 ўқув йили учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилишнинг тасдиқланган параметрларини ҳисобга олган ҳолда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар таъминоти учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

**8.** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда қайта ихтисослаштирилаётган ва янгидан фойдаланишга топширилаётган касб-ҳунар коллежларида ва филиалларида 2013/2014 ўқув йили бошлангунга қадар сифатли ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, уларни юқори малакали ўқитувчи кадрлар билан тўлдириш, уларда кадрлар тайёрлаш йўналишларига мувофиқ ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув ва услубий адабиётлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

**9.** Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2013 йил 16 май*

МАВСУМ

Наманган Вилояти

# ПИЛЛАЧИЛИКДА ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯ

**Норинлик пиллачилар жорий йилда 4850 қути ипак қурти уруғидан 269 тонна сифатли саноат хомашёсини етиштиришга аҳд қилишган. Шу мақсадда тумандаги мавжуд 40 та инкубаторияда ипак қуртларини сифатли жонлантириб олишга аҳамият берилди.**



*“Норин тумани бош пиллахонаси” МЧЖ раҳбари Раҳбарой Явминова, “Оқ олтин” ММТП раиси Жамолиддин Ботиров жорий йил пилла ҳосили сифатини кўздан кечирмоқда.*

Тут кўчатларини сақлаш ва уларни ўз вақтида янгилари билан тўлдириб бориш, айни вақтда агротехник қоидалар асосида парваришлашга эътибор қаратилди. Жорий йилнинг ўзида туман бўйича 163 минг туп тут кўчатларини ўтқазиб, кўкартириб олишга эришилди. Пилла етиштиришда илғор усул, яъни плёнка остида ипак қуртини парваришлаш ўзининг афзал тарафларини кўрсатмоқда.

— Бунда пиллачилар билан соҳа мутахассисларининг мустаҳкам алоқада бўлиб, ҳамкорликда ишлашлари қўл келмоқда, — дейди “Норин тумани бош пиллахонаси” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Раҳбарой Явминова. — Энг асосийси, пиллачининг меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаш, ютуқларнинг омили бўлмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

Сурхондарё Вилояти

# КЕТМОННИ ДЎСТ, ТОМОРҚАНИ ХАЗИНА БИЛИБ...

## АНГОР ТУМАНИДА ТОМОРҚАСИДАН ҲАР МАВСУМДА ИККИ-УЧ БОР ҲОСИЛ ОЛАДИГАН АСЛ ДЕҲҚОНЛАР КЎП

**Даромад олишнинг муҳим омили — меҳнат, аввало, ишнинг кўзини билиш эканлигини ҳамма-ҳаммага уқтирадиган, лозим бўлса, йўл-йўриқ, маслаҳат берадиган Зафар Намозов мана шундай деҳқонлардан бири. У Баҳор маҳалласида истиқомат қилади. Ихтиёрида учта иссиқхона бор. Шулардан бири ўтган йили “Микрокредитбанк”нинг туман филиалидан ажратилган 6 миллион сўмлик кредит эвазига бунёд этилган.**

Иссиқхоналарда ҳозир юзга яқин апельсин, мандарин ва лимон кўчатлари парвариш қилинмоқда. Шунингдек, бу ерда эртаги помидор, бодринг, қалампир ҳам етиштириляпти.

— Ҳар йили айнан иссиқхонанинг ўзидан ўртача 20 миллион сўм даромад оляпмиз, — дейди Зафар ака. — Бунинг орқасидан рўзғоримиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлиб бормоқда.

Маҳалланинг ҳар бурчагида турнақатор бўлиб турган юк машиналарини кўриб, аввалига ҳайрон қолдик.

— Бу машиналар қишлоғимиз деҳқонлари етиштирган ўнлаб тонна маҳсулотларни сотиб олиш учун навбат кутиб турибди. Ҳозир айни карам мавсуми, шунга келишган, — дейди Баҳор МФЙ котиби Ғанишер Шонаев.

Ўз вақтида томорқасига сув керак бўлса сув, ўғит керак бўлса ўғит берадиган, сирасини айтганда, ернинг “тилини” биладиган Мансуржон Ҳимматовнинг ҳовлисига кириб ҳайратимиз янада ошди. 15 сотихлик томорқанинг ҳаммаси — карамзор. Карам шундай ҳосил қилганки, энг кичигиям 3 кило тош босади.

— Бу йилги ҳосилдан ҳозирча 5 тонна карам сотиб, 6 “лимонли” бўлдик. Насиб бўлса, яна шунча ҳосил чиқади, деб янгангиз билан мўлжаллаб турибмиз, — дейди мамнун оҳангда Мансуржон ака.

Унинг қўшниси Бобур Раҳмонов эса томорқасининг ярмига карам, ярмига пиёз экибди. Бизнинг гувоҳлигимизда оила аъзолари, ҳашарчилар билан ани-мани дегунча, 4 тонна карамни пуллашди. Унинг айтишича, ҳар йили томорқасидан 25 миллион сўмга яқин даромад олар экан.

Кетмонни дўст, томорқасини чинакам хазина, деб билувчи уста деҳқонлар Шомирза Шайманов, Меҳриддин Абдурасулов, Хушбоқ Искандаров, Эргаш Омоновлар ҳам мана шундай уста деҳқонлардан. Улар ҳам ҳар йили томорқасидан 3-4 маротаба ҳосил олиб, 20-25 миллион сўм даромад қилишаркан.

— Ҳозирда маҳалламизда 880 оила мавжуд бўлиб, 3750 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди Баҳор МФЙ раиси Панжи Маматқулов. — Аҳоли ихтиёрида 147 гектар томорқа майдони мавжуд. Томорқадан одамларимиз самарали фойдаланаётганлиги боис турмуши фаровон. Асосийси, маҳалламиз жуда аҳил. Яқинда ҳашар йўли билан 3 километрлик табиий газ қувурини тортиб келдик. 2 километр узунликдаги ички йўлларни текислаб, асфальт ётқиздик.

Ҳақиқатан ҳам қишлоқда бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари авжида. Маҳалладаги мавжуд 1 та АЁҚШ, 2 та дўкон, сартарошхона, новвойхона каби ўнлаб маиший хизмат кўрсатиш нуқталари ишлаб турибди. Айниқса, маҳалла гузари ёнидаги тикувчилик цехида аҳолига хизмат кўрсатишдан ташқари ойига 10-15 нафар ёш қизларга тикувчилик, зардўзлик сирлари ўргатиб борилаётганлиги жуда қувончли.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ**

Сирдарё Вилояти

# МЕҲНАТ САМАРАСИ ТАРОЗИДА

**Боёвут тумани пиллачилари жорий йилда 1580 қути ипак қурти парваришламоқдалар. Улар об-ҳаво ипак қурти боқиш учун қулай келган йилдан унумли фойдаланиб, агротехник тадбирларни муддатида амалга оширмоқдалар. Бунинг самараси кўринди. Яъни “кумуш тола” тарозига тушди.**

Қабул масканларининг мавсумга шай қилиб қўйилгани қўл келмоқда. “Боёвутпилла” МЧЖ лаборанти Гулжамол Ўсарова, бош ҳосилот Муҳиддин Худойшукуров, сараловчи Муножот Суннатуллаева, Дилфуза Шокирова, Моҳира Мирзаҳамдамова, Сайёра Абдуқодировалар янги ҳосилни текшириб, саралаб, навларини таҳлил этишмоқда.

— Ҳосил чўғи ва сифати олдинги йиллардагидан анча яхши, — дейди “Боёвутпилла” МЧЖ раҳбари Шерзод Мирзаҳамдамов. — Бу йил туманимиз пиллачилари 87 тонналик хирмон бунёд этишни мақсад қилган. Бу жараёнда пиллачиларни моддий рағбатлантиришга қаратилаётган эътиборни алоҳида таъкидлаш жоиз. Мавсум олдидан бўнак пуллари тарқатилди. Ҳозирда сифатли ҳосил топшираётган пиллачиларни рағбатлантириш чораларини кўряпмиз.

— Бугунги кунга келиб дастлабки ҳосилни топширишга эришдик, — дейди “Баҳром Валиев” фермер хўжалиги раҳбари Файзулла Валиев. — 4 қути ипак қуртидан тайёрланган “кумуш тола”миз 200 килограмм тош босди. Шартнома режасини бажардик. Яна 50 килограмм ҳосил олиш имкониятимиз бор. Умуман олганда, бу йил чинакам пилла йили бўлди. Йилнинг салқин, серёмғир келиши озуқа сифатини таъминлади. Қолаверса, пиллачиларга яратилган шароит ва имкониятлар ишимиз ривожида муҳим аҳамият касб этди.

Айни пайтда мўл ҳосил етиштириб, режани уддалаётган фермерлар сафи кенгайиб бормоқда. Хусусан, “Турғунов Сардор”, “Мулла Холиқул бобо”, “Боёвут гўзал табиати” фермер хўжаликлари пиллачилари ҳар қути ипак қуртидан 60-70 килограммдан ҳосил топширишди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

Бухоро Вилояти

# “КУМУШ ТОЛА” ТАЙЁР БЎЛМОҚДА

**Жорий йилда бухоролик пиллачилар қайта ишлаш корхоналарига 3 минг 90 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб беришга аҳд қилишган. Шу мақсадда 34 мингдан зиёд пиллачилик звеноларида ҳамда замонавий усулда бунёд этилган пиллахоналарда 52 минг қутидан зиёд ипак қурти юқори агротехнологиялар асосида парвариш этилмоқда.**

Озуқа базасининг етарлилиги, қулай иқлим ва шароит ишни намунали ташкил этишда қўл келмоқда. Айниқса, қайта ишлаш корхоналари томонидан олдиндан берилган бўнак пуллари пиллачиларни янада ишонч билан меҳнат қилишга ундади. Илғор пиллачилар томонидан интенсив технологиялар асосида боқилган ипак қурти ҳосили тайёр бўлиб қолди. Эрта-индин уни саранжомлашга киришилади.

Етиштирилган пилла ҳосилини қабул қилиш, сифатли сақлаш ва қайта ишлаш учун барча шароитлар яратилган. “Бухоро бриллиант силк”, “Ромстар”, “Кумушкент ипаги”, “Силк сервис” корхоналари пиллани қайта ишлашга тайёр этиб қўйилди.

**Ҳамроз АЛИ**

**Пойтахтимизда II халқаро «FOODEXPO» ҳамда «AGROEXPO» кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда вазирликлар ва идоралар, озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ҳамда дилерлик фирмалари иштирок этди.**

# ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ВА ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, уларни сақлаш ва қайта ишлаш технологиялари, тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари намойиш этилди.

Кўргазма залларидан ўрин олган фермер хўжаликларида қайта ишланган мева-сабзавот, сут ва сут маҳсулотлари иштирокчиларга манзур бўлди.

— Хўжалигимиз чорвачиликка ихтисослашган, — дейди Тошкент вилояти Зангиота туманидаги “Шокарим ҳожи” фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Тўхтаниёзов. — 2011 йилдан бошлаб хўжалигимизда сутни қайта ишлашни йўлга қўйдик. Ҳозирда цехимизда кунига 5 тонна сут қайта ишланиб, 16 хил турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда.

— Ушбу кўргазма ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди, — дейди “Фахриддин Ал Файз савдо барака” хусусий корхонаси раҳбари Дониёр Саидов. — Кўргазмада корхонамизда қадоқланган сифатли ун, қандолат маҳсулотлари билан қатнашдик. Кўплаб харидорлар билан шартномалар туздик.

Кўргазмада, айниқса, узум данаги ёғи иштирокчилар қизиқишига сабаб бўлди.

— Тадбиркорлар яхши билишади, маҳсулот ишлаб чиқарилгани билан унга харидор топиш мушкул масала — дейди “ORZU PLUS” компанияси директори Раҳим Хушманов. — Биз ишлаб чиқарувчи эмасмиз, аксинча тайёр маҳсулотни харидорга етказиб берувчи дилермиз. Компаниямиз ўтган йил ноябрдан бошлаб узум данагидан шифобахш ёғ, ун ва парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ўтган қисқа вақт ичида истеъмолчиларга 140 миллион сўмдан ортиқ хизмат кўрсатишга эришдик. Маҳсулотларимиз Корея, Япония, Украина, Қозоғистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, кўргазма қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш, сақлаш ва қайта ишлаш баробарида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Соҳиба СОЛИЕВА**

# ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС СИФАТ




**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

**(Боши 1-саҳифада)**

— Корхонамизга “Алоқабанк” ОАТБнинг Наманган вилояти филиали томонидан ажратилган 110 минг АҚШ доллари қийматидаги кредит маблағи ҳисобига Хитойдан 25 та замонавий дастгоҳ олиб келиб ўрнатганмиз, — дейди “Ёшлик пойабзали” МЧЖ директори Шаҳобиддин Камолов. — Яхши ният билан ишлаб чиқараётган пойабзалларимиз ҳозирданоқ жажжи болажонларга манзур бўлаётганидан мамнунмиз. Айни пайтда корхонамизда 30 киши меҳнат қиляпти. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. Корхонамиз эшиги коллежларда таълим олаётган ўғил-қизларимизнинг ҳунар ўрганишлари, касб маҳоратларини оширишлари учун ҳамиша очиқ. Дарвоқе, шу йил охиригача ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириб, яна 20 та янги иш ўрни яратишни мўлжаллаяпмиз.

— Корхонамиз 2010 йилда ўз фаолиятини бошлаган, — дейди “Жиззах элита” қўшма корхонаси менежери Сергей Цимбалов. — Биз эркаклар пойабзалларини ишлаб чиқарамиз. Маҳсулотларимиз хорижники билан бемалол рақобатлаша олади. Нархи эса нисбатан арзон. Ўтган йили мазкур кўргазмада қатнашиб, ўзимизга янги ҳамкорлар топдик ва буюртма асосида 600 минг жуфт маҳсулот ишлаб чиқардик. Жорий йилда эса ушбу кўрсаткични янада ошириш ниятидамиз.

**Сайдодил САЙИДИСЛОМОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Хоразм Вилояти

ЕР — ХАЗИНА

# ДАЛА ЧЕТИ ҲАМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

## Шу боис ҳам у даромад манбаига айланган

***Ҳазорасп – Урганч магистраль йўлининг Хонқа тумани ҳудудидан ўтадиган қисмидан сал юрилгач, кўзингиз канал ёқасидаги икки қаватли, ихчамгина қурилган айвончали уйга тушади. Унинг шундоққина ёнида яратилган боғ, атрофига экилган турфа гуллар, ариқ бўйларида ўсаётган мевали ва манзарали дарахтлар фермер хўжалиги аъзоларининг омилкорлиги, ҳар бир қарич ернинг қадрига етиб, ундан унумли фойдаланиш каби фазилатларидан сўзлаб тургандай.***

— Ахир хирмонларнинг сарбаландлиги, дастурхонимизнинг сархил мева-сабзавотлар, полиз маҳсулотларига бойлиги ҳаракатимизга боғлиқ-да, — дейди “Зарина Шабнам” фермер хўжалиги раҳбари Хударган Сотимов. — Ҳар йили пахта ва ғалладан мўл ҳосил оляпмиз. Қорамоллар наслини яхшилаб, маҳсулдорлигини оширяпмиз. Шийпонимиз атрофидаги ташландиқ ерларни ўзлаштириб, 0,5 гектар майдонда боғ барпо қилдик. Олма, ўрик, гилос, олча, анор, узум, анжир экдик.

Мана шу ариқ бўйининг ўзида 200 тупдан зиёд шафтоли бўлиб, 3 йилдан буён мева бермоқда. Бурноғи йили боғотлик бир дўстимдан мевасининг ҳар бир донаси 500 граммлик тош босадиган шафтоли навидан 55 туп кўчат келтириб ўтқазган эдим. Бу йил мевага кирди.

Хударган аканинг ариқ бўйларига экиб, оқ ва қора тут каби меваси ширин, хушхўр тутларга пайванд қилган 70 тупдан зиёд тутлари бугун азим дарахтга айланиб, мева бермоқда. Бундай тутларнинг таъми, шифобахшлиги, харидоргирлиги ҳақида гапириш ортиқча.

5 гектарлик пахта даласининг тўрт томонидан ниҳолларга халал бермайдиган қилиб олинган ўқариқлар бўйларига экилган ошқовоқ, маккажўхори, ловия каби экинларни айтмайсизми?! Тол, терак, жийда дарахтларининг ўзи 1000 тупдан зиёд.

Фермер илғор тажрибалар, илм-фан ютуқларини қўллаб, юқори ҳосил олиш йўлларини излайди. Ерни соғломлаштиришга, экологик тоза маҳсулотлар етиштиришга аҳамият қаратади. “Ер малҳами”дан, маҳаллий ўғитлардан унумли фойдаланади. Бундан икки йилча олдин махсус ўрада 300 тонна гўнг, 50 тонна товуқ чиқиндиси билан аралаштирилиб сақлаб қўйилган маҳаллий ўғит бугунги кунда “шарбат” усулида далаларга оқизилмоқда.

Фермер хўжалиги ўз техникасига эга бўлиб, ҳеч қайси агротехник тадбирда бировнинг кўмагига қараб ўтирмайди. “Алтай”, “МТЗ”, “ТТЗ” тракторларидан тортиб, юк юклагич, гўнг сепадиган, қатор ораларига ишлов берадиган тиркамалар, электр токи ёрдамида ишлайдиган сув насосигача бор. Кунига 5 минг дона хом ғишт ишлаб чиқарадиган мини заводда 5 нафар киши ишлайди. Канал бўйида қазилган ҳовузда парваришланаётган балиқлар ва боқилаётган юз бошдан зиёд ўрдак ва товуқлар тухумининг ишчилар иссиқ овқатидан ошиқчаси бозорга чиқарилади.

Ҳа, ер — хазина. Меҳнат қилган кишидан у саховатини аямайди.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

# МАКТАБДАН ЯНГРАГАН МУСИҚА ЖАҲОН КЕЗАДИ

*Қарши шаҳар 1-сон Болалар мусиқа ва санъат мактабига кириб борар эканмиз, фортепьянода чалинаётган мусиқа эътиборимизни тортади. Унга маҳлиё бўлиб, машғулот тугашини кутамиз.*



— Мен бу санъат даргоҳида фортепьяно машғулотларини олиб бораман, — дейди ўқитувчи Гули Нурматова. — Шогирдларимнинг интилишлари яхши. Улар ҳозирда фортепьянода нафақат миллий, балки жаҳон халқлари мусиқаларини ҳам маҳорат билан ижро этишади.

Фортепьянода бармоқлари дадил, ишончли ҳаракат қилаётган қизчага юзланамиз.

— Қарши шаҳридаги 9-умумтаълим мактабининг 4-синфида ўқийман, — дейди у. — Исмим Дилнора. Уч йилдан буён ушбу мусиқа ва санъат мактабига қатнаяпман. Ҳозирда 20 га яқин куйни ижро эта оламан.

Дилнора Каримова ушбу мактаб фойдаланишга топширилган пайтдан буён бу ерда санъат сирларидан сабоқ олмоқда. Шаҳарнинг Мустақиллик шоҳ кўчасида жойлашган мактаб биносига боқиб ҳавас қиласиз. Ҳовлисига киришингиз билан турфа гулларнинг барқ уриб очилганидан баҳри дилингиз очилади. Юксак дид билан жиҳозланган машғулот хоналари эса жозибали санъатнинг гўзал оламига олиб киради.

— Бугунга қадар мактабимизни 300 нафардан ортиқ ёшлар тамомлаб чиқди, — дейди мактаб директори Фахриддин Умаров. — Улар орасида нафақат вилоятимиз, қолаверса, республикамизда мусиқа ва санъат равнақи йўлида фидойилик кўрсатаётганлар ҳам бор.

Айни пайтда мусиқа ва санъат мактабида фортепьяно, халқ, эстрада, торли ва зарбли чолғулар, анъанавий хонандалик ва созандалик, амалий, тасвирий санъат, театр, рақс санъати, эстрада хонандалиги каби йўналишларда машғулотлар юқори савияда олиб борилмоқда. Шуҳрат Муҳаммадиев, Гули Нурматова, Галина Раҳмонова, Лола Йўлдошева, Дилобар Бердиева, Наргиза Маматқулова сингари устозлар ёшларга мусиқа ва санъатнинг ўзига хос жиҳатларини ўргатиб келаётир.

Бу ерда таълим-тарбия ишларининг тўғри йўлга қўйилганлиги туфайли мактаб ўқувчилари нафақат вилоят, республика, балки халқаро танловларда ҳам совриндор бўлмоқда. Чехияда бўлиб ўтган "Лидитце-2011" болалар бадиий ижоди 39-халқаро кўргазмасида 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган иштирокчилар орасида Камила Раҳмонова, Фарҳод Жалилов, Суннат Исомов, Александра Широкова, Алибек Шодмонов, Александр Будорников, Жонибек Олимов, Барно Сайфуллаева, Асилия Саидова, Дониёр Бадиков, Илҳом Маннонов, Юлия Ҳамдамова, Динора Раҳмонқуловаларнинг ранг-тасвир йўналишидаги ишлари алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, ўтган йили анъанавий хонандалик йўналишида 4-синф ўқувчиси Арслон Шавкатов Озарбайжонда бўлиб ўтган "Муғом" IV халқаро болалар фестивалида ғолиблик дипломини қўлга киритди. Россиянинг Кемерово шаҳридаги "Метелица" халқаро ёш вокалчилар танловида 4-синф ўқувчиси Ботиржон Раҳматов бош мукофот соҳиби бўлди.

Ҳозирда мактабнинг бир гуруҳ ижрочилари хорижда бўлиб ўтадиган эстрада академик чолғулари халқаро танловига ҳозирлик кўришмоқда.

Ҳа, бугун мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари, қолаверса, мактаб жамоаси доимо ижодий изланишлар билан ютуқлар кўламини кенгайтирмоқда.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Реклама ва эълонлар

## СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

## «EKSPRESS INFORM SAVDO» РИЭЛТОРЛИК АГЕНТЛИГИ СИЗЛАРНИ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Наманган вилояти Давлат мулки қўмитаси худудий бошқармасининг 2013 йил 6 февралдаги 21/ас-ер ва 8 февралдаги 27/ас-ер сонли буйруғига асосан 2013 йил 19 июнь куни соат 10:00 да Наманган шаҳар Навоий кўчаси 10-уйда ўтказиладиган такрорий очиқ Аукцион савдосига якка тартибда уй-жой қуриш ер участкаларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун қуйидаги ер майдонлари ҳамда бино иншоотлари қўйилмоқда:**

Наманган вилояти Норин тумани Хўжаобод массиви ҳудудидан деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратилган, ҳар бири 0,05 гектардан бўлган 1-сонли 1 дона ер майдони. Бошланғич баҳоси: 185 000 (бир юз саксон беш минг) сўм. Закалат пули 100 000 (бир юз минг) сўм.

Наманган вилояти Норин тумани Хўжаобод массиви ҳудудидан деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратилган, ҳар бири 0,038 гектардан бўлган 2-сонли 1 дона ер майдонлари. Бошланғич баҳоси: 141 000 (бир юз қирқ бир минг) сўм. Закалат пули 100 000 (бир юз минг) сўм.

Наманган вилояти Норин тумани А.Шамсиддинов массиви ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган, ҳар бири 0,04 гектардан бўлган 1, 2, 9, 10, 11, 13, 14 ва 15 сонли жами 8 дона ер майдонлари. Бошланғич баҳоси: 200 000 (икки юз минг) сўм. Закалат пули 100 000 (бир юз минг) сўм.

Наманган вилояти Уйчи тумани Жийдакапа қишлоғи 191-сонли контур Қумтепа маҳалласи ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган, ҳар бири 0,04 гектардан бўлган 24 ва 25 сонли жами 2 дона ер майдонлари. Бошланғич баҳоси: 210 000 (икки юз ўн минг) сўм. Закалат пули 150 000 (бир юз эллик минг) сўм.

Ер майдонлари ва бино иншоотлари билан боғлиқ, сув билан таъминланганлиги, рельефи, табиий, санитария-экология, тарихий ва маданий мерос муҳофазаси, иссиқлик, газ, электр таъминоти, алоқа воситалари, канализация билан боғлиқ шартлар, транспорт коммуникациялари, шунингдек, ер участкасинииг бошқа ўзига хос шартлари каби қўшимча маълумотлар учун Наманган шаҳар Навоий кўчаси 10-уй (Мўлжал: Ўзагросуғурта Наманган филиали биноси ёнида)га мурожаат қилишингиз мумкин. Телефон: (8-369) 226-20-23.

2013 йил 19 июнь кунларидаги очиқ аукцион савдоларида сотилмаган ер майдонларининг такрорий савдоси 2013 йил 26 июнь ва 3, 10 июль кунлари соат 10:00 да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун закалат пулини «EIS» МЧЖнинг «ЎзСаноатҚурилишбанк» Наманган филиалидаги МФО 00224, СТИР 302118546, ҳ/р 20208000204940071001 ҳисобрақамига тўлашлари шарт: Телефон: (8-369) 226-20-23, 226-14-62.
